

-Жаноб Реншо?

Бино хизматчисининг овози Реншони лифтга етай деганида тўхтатди. У ортига ўгирилди ва кўлидаги сумкани нариги кўлига олди. Пиджагининг ички чўнтагида йигирма ва эллик долларлик пуллар солинган огир хатжилд шитирлади. У ишини аъло даражада бажарган ва Ташкилот унинг хакидан йигирма фоиз олиб колган бўлса-да яхшигина пул тўлаганди. Реншо хонасига кириб ухламокчи эди.

-Нима гап?

-Сизга жўнатма келибди. Мархамат, имзо чекинг.

Реншо уф тортди ва кутига ўйчан каради. Кутига унинг исм-шарифи ва манзили ёзилган когоз парчаси ёпиштирилганди. У кутини олиб силкитиб кўрди, нимадир шикирлади.

-Хонангизга олиб кириб берайликми, жаноб Реншо?

-Йўк, ўзим.

Узунлиги ярим метрга якин бўлган кутини кўлтиги остида кўтариш нокулай эди. У кутини лифт полига кўйди ва бир нечта тугмалар жойлашган кутича тиркишига калит солиб буради. Реншо бинонинг энг юкори каватидаги хашаматли хонадонда истикомат киларди. Лифт аста юкорига кўтарилди. У кўзларини юмди ва охириги ишини хаёлидан ўтказди.

Аввалига хар доимгидек Кел Бейтс кўнгирок килди:

-Жонни, бўшмисан?

Реншо яхши ва ишончли мутахассис, у бир йилда бор-йўги икки марта бўш бўлади, хизмати учун камида ўн минг доллар олади, мижозлар унинг бехато йирткичлик фаолияти учун хак тўлашади. Жон Реншо одам ўлдиришга ихтисослашган ЙИРТКИЧ. Бейтснинг кўнгироғидан сўнг Реншо почта кутисидан ичига кимнингдир исм-шарифи хамда манзили ёзилган когоз ва фотосурат солинган хатжилдни олди. У коғоздаги ёзувларни эслаб колди, хатжилдни эса ичидагилари билан ёндириб ташлади.

Фотосуратдаги шахс Маямидаги «Моррис ўйинчок ишлаб чиқариш компанияси» эгаси ва асосчиси Ганс Моррис эди. Бу нусха кимгадир халакит берган, у халакит берган киши Ташкилотга мурожаат килган ва Кел Бейтс Жон Реншо билан гаплашганди...

Лифт эшиклари очилди, у кутини кўлтиги остига кистирди, йўлакка чиқди ва хонасига кирди. Кенг хона апрел куёшининг нурларидан ёришиб кетганди. Реншо бир неча сония ўзини нурга солиб турди, кутини эшик ёнидаги стол устига кўйди, пул солинган хатжилдни ташлади, бўйинбогини бўшатди ва айвонга чиқди.

Ташкари совук эди, шамол унинг юпка палтосидан ўтиб этини жунжиктирди. Аммо Реншо бир дакикача худди бутун мамлакатни забт этган саркардадек шахарни кузатди.

Кўчалардан машиналар худди кўнгизлардек гизиллаб ўтиб турарди. Шарк томонда, осмонўпар бинолар устида телеантенналар худди ўрмондек кўзга ташланарди.

У ичкарига кайтди, айвон эшигини ёпди ва ваннахонага кириб кетди.

Кирк дакикадан кейин Жон Реншо ваннахонадан чиқди ва кутини синчковлик билан кўздан кечира бошлади.

«Кутида бомба бор».

Кутида бомба йўк, лекин кутида бомба бор деб тасаввур килиш керак. У доим шундай килади ва айнан шунинг учун бошқалар аллақачон нариги дунёга равона бўлишган бир пайтда у хотиржам умргузаронлик килиб келмокда.

Агар бу бомба бўлса, унда соат механизми йўк-кути ичидан хеч қандай чиқиллаган овоз

келмаяпти. Аммо хозирда пластик портлатгичдан фойдаланишяпти.

Реншо почта мухрига каради: Маями, 15 апрел. Беш кун бурун жўнатилган. Соат механизми билан ишлайдиган бомба аллакачон портлаб кетган бўларди.

У кўлларини кўксига чалиштирганча кутига астойдил назар ташлади. Морриснинг якинлари Реншонинг манзилини каердан билишгани уни хозир кизиктирмасди. Бу саволни у кейинрок Бейтсга беради. Хозир бу мухиммас.

У хамёнидан пластик календар чикарди ва кутини ўраб турган ёпишкок тасмани кесди. Энгашиб, кутини хидлаб кўрди. Когоздан бошка нарсанинг хиди келмади. У кутини озгина тешиб, кути ичига мўралади: яшил кутича кўринди. Реншо ўтирди ва пичок билан кутичани ўраб турган тасмани кесди.

Кутичага «Америкалик ветеран Жонинг ветнамча сандиги» деб ёзилганди. Бу ёзув остидан куйидаги сўзлар битилганди: «Йигирмата пиёда аскар, ўнта вертолёт, иккита пулемётчи, иккита шифокор, иккита гранатомёт, тўртта «жип». Энг пастда, бурчакда «Моррис ўйинчок ишлаб чикариш компанияси» деган ёзув бор эди.

Реншо сандикча копкогини кўтарди. Сандикча ичида нимадир харакатланди.

Жон хона чирогини ёкиш учун ўрнидан турди.

«Ветнамча сандик» кимирлади. Кутилмаганда у ёнбошига ағдарилди ва гилам устига тушди. Сандикча копкоги очилиб кетди.

Хар бирининг бўйи тўрт сантиметрдан бўлган кичкина аскарчалар сандикча ичидан ўрмалаб чика бошлашди. Реншо улардан кўз узмай караб турарди. Реншо бундай воқеа бўлиши мумкин эмаслигини ўйламас, бутун фикр-зикри кандай хавфга дуч келгани ва тирик қолиш учун нима қилиш кераклигида эди.

Аскарчалар жанговар кийимда, елкаларига халта ва митти милтиқлар осиб олишганди. Иккитаси Реншога тикилиб туришарди.

Беш, ўн, ўн икки ва нихоят йигирма. Улардан бири бошкаларига имо-ишора билан буйрук берди. Колган аскарчалар бир текис сафга тизилишди.

Реншо диванда турган катта ёстикни кўлига олди ва сандикчага якинлашди. Командир ўғирилди ва кўлини силкитди. Пиёда аскарлар милтиқларини кўлларига олишди, пакиллаган товушлар янгради ва Реншо худди ари чаккандек огрикни туйди.

У ёстикни иргитди, аскарчалар йикилиб тушишди. Шу пайт сандикча ичидан худди ниначига ўхшаб яшил рангли вертолётлар гувиллаб хавога кўтарилди.

Реншонинг кулогига эшитилар-ешитилмас «пак-пук» этган товушлар етиб келди. У вертолётлар эшиклариди пулемётларнинг милтиллаётган учкунларини кўрди ва худди кимдир унинг корни, кўли, бўйнига игна санчаётгандек туюлди. У шахд билан кўлини узатиб вертолётлардан бирини ушлади ва бармоқларида дахшатли огрикни хис қилди-вертолёт парраклари унинг бармогини синдириб ташлаганди. Колган вертолётлар ундан узокрокка кетишди ва айлана хосил қилиб учишда давом этишди. Унга жароҳат етказган вертолёт гиламга кулади.

Реншо оёгидаги кутилмаган огрикдан бакириб юборди. Аскарчалардан бири унинг поябзали устида турганча оёгига ханжар санчарди.

Реншо оёгини силкитиб аскарчани улоқтирди.

Йўтал овозига ўхшаган товуш янгради-Реншонинг сони жизиллаб ачишди. Сандикча ичидан гранатомёт кўтарган аскарча чиқиб келди-гранатомёт огзидан тутун кўтарилаётганди. Реншо сонига каради ва шимининг тангачалик жойи тешилиб колганини кўрди. Сонида куйиш изи бор эди.

У ортига ўғирилди ва ётоқхона томон қочди. Унинг боши тепасида вертолёт гингиллади,

кискагина ўт очгач, ортига кайтди.

Ёстик остида Реншонинг тўппончаси бор эди. У тўппончани икки қўллаб ушлади, ўгирилди ва электр чирогидан кичикрок учар нишонга отиши кераклигини тушунди. Ичкарига иккита вертолёт кирди. Реншо ўк узди ва вертолётлардан бири парча-парча бўлиб кетди. «Биттаси йўк бўлди», ўйлади у, иккинчисини мўлжалга олди... тепкини босди...

Вертолёт кутилмаганда кескин бурилди. Реншо ўк узаётган пулемётчини зўрга сизди ва ўзини полга ташлади.

«У КЎЗИМНИ МЎЛЖАЛГА ОЛДИ!»

Реншо тўппончасини кўтарди, аммо вертолёт ундан узоклашиб бўлганди. Вертолёт бир оз хавода муаллак турди, сўнг мехмонхона томон учиб гойиб бўлди.

Реншо ўрнидан турди, жарохатланган оёғи азоб бериб афти бужмайди. «Гранатомёт зарбасидан сўнг омон колганлар бормикин», деб ўйлади у.

Ёстикжилдни сугуриб олиб оёгини боғлади, сокол олиш учун мўлжалланган кўзгучани қўлига олиб эшик томон якинлашди ва уни гиламга қўйиб кўзгуга каради...

Улар сандикча ёнида лагер ўрнатишганди. Аскарчалар у ёкдан бу ёкка юришар, чодир тикишар, «жип»да атрофни айланишарди. Реншо тепиб юборган аскарча устида шифокор энгашганча муолажа киларди. Колган саккизта вертолёт лагерни кўриклаб атрофда парвоз килаётганди.

Улар кутилмаганда кўзгуни сезиб қолишди. Уч нафар пиёда аскар тиз чўкканча ўк узишди. Бир неча сониядан сўнг кўзгу парча-парча бўлиб кетди.

«ШОШМАЙ ТУРЛАРИНГ».

Реншо кизил дарахтдан ясалган огир кутичани олди ва худди бейсболчилардек улоктирди. Кутича аскарларни йикитди. «Жиплар»дан бири аганаб кетди. Реншо ўк отиб аскарлардан бирини йўк килди.

Аммо колган аскарлар ўзларига келган ва ўк узишни бошлаб юборишганди.

Реншо яна бир марта ўк узди-тегдади. Улар жудаям кичкина эди! Аммо кейинги отишида яна битта аскарни йўк килди.

Вертолётлар унга карата ўк узишди, ўклар унинг юзига тегди. Реншонинг отган ўклари иккита вертолётга тегди.

Колган олтита вертолёт иккита гурухга бўлинди ва ортга чекинди. Реншо юзидан оқаётган конни артди ва ўк узишга тайёрланди, аммо тўхтаб колди. Пиёда аскарлар сандикча ичидан ниманидир тортиб чиқаришаётганди. Афтидан...

Сарик учкун сачради ва Реншонинг чап томонидаги девор сувоғи кўчиб тушди.

РАКЕТА УСКУНАСИ!

У ўк узди, нишонга тегмади, ваннахонага югуриб кириб олди. кўзгуга караб, жангда аклдан озаёзган хиндунинг афтига кўзи тушди. кўзгудаги хиндунинг юзи кондан кизил рангга бўялганди. Юзидаги тери кўчиб тушган, бўйин терисини худди кимдир шилиб олгандек эди.

«МЕН ЖАНГДА ЮТКАЗЯПМАН!»

У калтирок қўллари билан сочларини таради. Чикиш йўли берк. Телефонга етиб боришнинг имкони йўк. Ракета ускунаси бошини узиб ташлашга тайёр холда турибди.

«У ХАҚДА ХАТТО ЁЗИЛМАГАНДИ ХАМ!»

Эшикнинг муштдек парчаси кўчиб тушди. Аланга тиллари эшикнинг хозиргина пайдо бўлган ёригидан ўрмалай бошлади. Ваннахонага ёнаётган ёгоч парчалари учиб тушди. Пайдо бўлган туйнукдан иккита вертолёт учиб кирди ва Реншонинг кўкрагига карата ўк

узди.

У вертолётлардан бирини кўли билан уриб туширди. Иккинчи вертолётни сочик билан кулатди ва эзгилаб ташлади.

«МАНА СЕНГА! МАНА СЕНГА! ЭНДИ ЎЙЛАБ ИШ КИЛАСАНЛАР!»

Афтидан, улар ростдан ҳам ўйланиб қолишди. Ўн беш дакика давомида сукунат хукм сурди. Реншо ванна четига ўтирди ва ўйга чўмди: бу муаммонинг ечими бўлиши керак. Албатта. Уларни айланиб ўтиш керак.

У кескин ўгирилди ва ванна тепасидаги туйнукка каради. Бу копкондан чикиш йўли бор. Унинг нигохи ёндиргичларни тўлдириш учун мўлжалланган газли баллонга тушди. Реншо унга кўлини чўзди ва шитирлаган товушни эшитди. У дархол ўгирилди, тўппончасини тўгрилади, аммо эшик тиркишидан когоз парчаси тушди.

Когоз парчасида кичкина харфлар билан «ТАСЛИМ БЎЛ!» деган ёзув ёзилганди.

Реншо илжайди, газ баллончасини кўкрак чўнтагига солди, дори кутичасидан калам бўлагини олди ва ёзиб, эшик тиркишидан ташкарига сурди: «асло!» Ракеталар эшикдаги туйнукдан кириб деворга урилиб портлади. Реншо кўллари билан кўзларини беркитди-девор сувоклари кўчиб тушди.

Бир оздан сўнг Реншо ваннадан чиқди ва деразани очди. Осмонда юлдузлар совук нур сочарди. Дераза остида торгина карниз бор эди, аммо хозир у ҳақда ўйлашга вақт йўқ эди.

У деразадан осилиб пастга тушди. Юзига совук ҳаво урилди. Реншо пастга каради: кирк кават. Бундай баландликдан кўча худди болаларнинг ўйинчок темир йўлидек кўринарди. Реншо ромга осилиб, карнизга оёгини кўйди. Агар хозир бирорта вертолёт ваннахонанинг ёрик эшигидан ичкарига кириб ўк узишни бошласа борми, у чинкирганча пастга кулаши тайин.

Аммо ҳеч нарса содир бўлмади.

Оёги остидаги бўшлиқ хақида ўйламасликка ҳаракат қилаётган Реншо аста-секин бино бурчаги томон сурила бошлади.

Тўрт метр колди... уч... Мана, ниҳоят етиб келди. У кўксини деворга тираганча тўйиб-тўйиб нафас олди.

Энди бурчакни айланиб ўтиш керак...

Тўккиз метрдан кейин айвонга етиб олади...

Ниҳоят у айвоннинг темир тўсикларига осилди.

Реншо овоз чиқармасдан айвонга тушди, ойнаванд эшикдан аста мехмонхонага мўраллади. Аскарчалар уни сезишмади.

Тўрт аскарча ва бир вертолёт сандикни кўриқлашарди. Колганлар эса ваннахона рўпарасига ўрнатилган ракета ускунаси ёнида эди.

«Хўш. Мехмонхонага югуриб кириб, сандик ёнидагиларни йўқ қиламан, уйдан қочиб чиқиб, таксига ўтириб аэропортга йўл оламан».

У кўйлаги енгидан бир парчани энсиз тасма қилиб йиртиб олди, бир учини газ баллон ичидаги суюқлик билан хўллади, иккинчи учини эса баллон ичига сукди, ёндиргич олиб матони ёқди, ойнаванд эшикни шахд билан очди ва ичкарига ташланди.

Вертолёт шу захоти унга хужум қилди. Реншо уни кўли билан уриб туширди.

Колган воқеалар сониялар ичида юз берди.

Реншо баллонни улоқтирди ва ташкари эшик томон югурди.

У нима бўлганини англашга улгурмади.

Худди пўлат сейф баланд бинодан ерга тушгандек гумбурлаган овоз келди. Бутун бино

силкинди...

Бир эркак билан аёл кўчада кетишаётганди. Улар чўчиб юкорига карашди ва бинонинг энг юкори каватида оппок тутун аралаш аланга кўтарилганини кўришди.

-Нима бу?-сўради аёл.

-Ёнгин,-деди эркак.

Юкоридан уларнинг устига кандайдир мато туша бошлади. Эркак уни хаводаёк тутиб олди:

-Ё Худойим, кўйлак парчаси, хаммаёги кон, тешилиб кетибди.

-Раф, такси чакир,-деди аёл.-Тезрок кетайлик.

Еркак атрофга аланглаб такси чакирди. Машина тўхтади ва улар такси томон югуришаркан, хозиргина улар турган жойга бир парча когоз тушганини кўришмади. Унда куйидаги сўзлар ёзилганди:

«Айрим ветнамча сандиклар ичида куйидагилар хам бор: битта ракета ускунаси, йигирмата «ер-хаво» ракетаси, битта термоядроли бомба».

Рус тилидан Дилшодбек Аскарлов таржимаси.